
Фан олимпиадаларининг туман босқичи мусобақалари бўлиб ўтмоқда
Ўзбекистон туманидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида барча
фанлар бўйича фан олимпиадаларининг туман босқичи мусобақалари бўлиб
ўтмоқда.

Билимдонлар беллашувининг туман босқичига бугун, 7 ноябрь куни старт
берилди.

Шу муносабат билан 24-умумий ўрта таълим мактабида ташкилланган тантанали
тадбирда Ўзбекистон тумани ҳокими ўринбосари Исроилжон Турсунов, туман халқ
таълими бўлими мудирини Нафисахон Нишонова, Фарғона вилояти халқ таълими
бошқармаси методик хизмат бўлими ходими Мусохон Асрақулов, олимпиада
ҳакамлар ва апелляция ҳайъатлари аъзолари ҳамда ўз билимини синовдан
ўтказишни истаган ўқувчилар қатнашди.

Таъкидланишича, бугун 9-10 синфлар ўртасида бўлиб ўтган 1-турда тумандаги
67 та умумий ўрта таълим мактабларидан 1867 нафар ўқувчилар фанлар бўйича
ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Тест ва ёзма иш материаллари вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан
олимпиада бошланган куни етказиб берилган.

Мазкур олимпиаданинг туман босқичи яна 2 кун давом этади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-11-07 20:20:57